

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“БЮДЖЕТ ХИСОБИ ВА ДАВЛАТ ЖАМЌАРМАЛАРИ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

“БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ

ИНОМОВ БОБУРБЕК АЗИЗБЕКОВИЧ

**ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
АҲАМИЯТИ**

5340400—“Бизнесни бошқариш” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Бизнес ва тадбиркорлик”

кафедраси мудири

_____ и.ф.д, доцент Д.В. Расулова

“ _____ ” _____ 2013

Илмий раҳбар:_____ катта ўқитувч Х.С.Хаджаев

“ _____ ” _____ 2013

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА		бетлар
	КИРИШ.....	3
I БОБ.	Товарлар рақобатбардошлиги моҳияти ва уни мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти	7
1.1.	Товарлар рақобатбардошлигининг моҳияти ва унинг асосий омиллари	7
1.2.	Товарлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамияти	17
II БОБ.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товарлар рақобатбардошлигини оширишда тутган ўрни	27
2.1.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тутган ўрни таҳлили	27
2.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини товарлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли таҳлили	35
III БОБ.	Обод турмуш йилида товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишлари	45
3.1.	Обод турмуш йилида товарлар рақобатбардошлигини ошириш йўллари	45
3.2.	Товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишлари	54
	ХУЛОСА.....	60
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	62

Кириш

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов “2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”¹ деб таъкидлаб ўтди.

Шунга кўра жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Шу ўринда мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги алоҳида аҳамият касб этади, чунки айнан шу рақобатбардошлик бошқа даражалардаги рақобатбардошликни таъминлашнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорлардаги улуши салмоғи сезиларли бўлсада, уни янада ошириш имкони мавжуд. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси .“Халқ сўзи” 2013 йил 19 январ

Шу билан бир қаторда товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти каттадир. Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш, яъни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан унумли фойдаланишни амалга ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш асосида маълум рентабеллик даражасига чиқиш ва фойда олиш имконияти мавжудлиги, кичик корхоналарни йирик инвестициялар талаб қилмаслиги, уларни қишлоқларда мавжуд фойдаланилаётган иншоотлар, муассасалар асосида ташкил қилиш мумкинлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бир неча сменалик меҳнат қилишни ташкил этиш асосида кўпроқ ишсизларни иш билан таъминлаш, кичик корхоналарда юқори ва мураккаб технологиялар қўлланилиши сабабли, ишсизларга маълум вақтда касб ўргатиш қулай бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда нисбатан хизмат соҳаларига қараганда иш ҳақини юқорилиги каби жиҳатлари товарлар рақобатбардошлигини таъминлашда ушбу афзалликлардан фойдаланиш имкониятини юзага келтиради.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Товарлар рақобатбардошлигини оширишда иштирок этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолияти кўрсаткичлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятига қаратилган тадқиқотлар олиб бориш ва олинган натижалардан келиб чиққан ҳолда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни Битирув малакавий ишимизнинг мақсади сифатида белгиладик.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- товарлар рақобатбардошлигининг моҳияти ва унинг асосий омилларини ёритиш;

- товарлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш;

- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тутган ўрни таҳлилини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини товарлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли таҳлилини баён этиш;

- “Обод турмуш йили”да товарлар рақобатбардошлигини ошириш йўллари изохлаш;

- товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишларини келтириш.

Битирув малакавий ишининг назарий-амалий аҳамияти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги аҳамиятини янги меъёрий ҳужжатлар ва воқеликлар асосида ўрганилганлиги ҳамда уни янада ошириш бўйича таклифларнинг келтирилганлигидир.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, олтита параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, шунингдек ҳар бир бобнинг қисқача тавсифи очиб берилган.

Биринчи боб товарларлар рақобатбардошлиги моҳияти ва уни мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятига бағишланган бўлиб, товарлар рақобатбардошлигининг моҳияти ва унинг асосий омилларини ҳамда товарларлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамиятини очиб бериш билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Иккинчи боб Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товарлар рақобатбардошлигини оширишда тутган ўрнига бағишланган ва унда таҳлилий ишлар амалга оширилган.


Учинчи бобда “Обод турмуш йили”да товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишлари билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

Хулоса қисмида битирув малакавий иши юзасидан қилинган умумий хулосалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни товарлар рақобатбардошлигини оширишдаги аҳамияти бўйича таклифлар берилган.

I боб. Товарлар рақобатбардошлиги моҳияти ва уни белгилаб берувчи омиллар

1.1. Товарлар рақобатбардошлигининг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти

Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги унинг асосий характеристикаси, сифат даражаси, дизайни ва истеъмолчи эҳтиёжига мос келишидандир. Тадбиркорлар рақобатбардошликни баҳолаш орқали ўз тадбиркорлик фаолиятларининг кучли ва кучсиз томонларини баҳолаш имконига эга бўладилар.



1-расм. Рақобатбардошликнинг иқтисодий мазмуни²

1-расмдан кўриниб турибдики рақобатбардошликнинг иқтисодий мазмуни қуйидаги ҳолатларда аниқланади: мавжуд манбалар ҳажми ва сифати, раҳбарнинг корхона имкониятларидан фойдаланиш қобилиятлари, инновация қобилиятлари, яъни фирманинг ишлаб чиқаришни янгилаш қобилияти, технология ҳамда маҳсулот таркибини алмаштириш ва бошқа шу қабилар., ахборот қобилиятлари, яъни ишлаб чиқариш мақсадларида ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш қобилиятлари, молиявий

² Расм мустақил тузилган


қобилиятлари, яъни молиявий турғунлик, кредит бериш имконияти мавжудлиги ва уларнинг барчаси корхона ҳамда фирмалар товарларининг рақобатбардошлигини ифодалайди.

Фирманинг маҳсулот турларини тўғри танлаши унинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини белгилашнинг асосий мезони ҳисобланади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

- фирма имкониятлари;
- ишлаб чиқариш;
- молиявий ва материал ресурслар манбаи;
- маҳсулотни сотиш тизими;
- мавжуд ходимларнинг малакаси ва бошқа шу кабилар.

Шу асосда бозор талаби ва имкониятли харидорларни товар кўрсаткичлари бўйича талаблари ўрганилади. Фирманинг имкониятлари, харидорлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб, товарлар ассортименти танланади. Бундан ташқари ҳар бир товарнинг бозорда тутган ўрни ҳам аниқланади.

Бу ерда мезон қилиб рақобатчилар товарлари ва шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчилар товарлари олинади. Фирма доим ўзи ишлаб чиқараётган товарларни сифатини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб бориши, иложи борица харидорлар талабига мос келишини таъминлашга интилиши лозим. Товарлар ассортиментини танлашда барча товарларни ҳисобга олиш лозим. Бу ерда товарларнинг сифатига қараб шартли равишда уларни 4 та гуруҳга ажратишимиз мумкин.



2-расм. Товарларнинг сифатига кўра гуруҳланиши³

³ Расм мустақил тузилган

2-расмда товарларнинг сифатига кўра гуруҳланиши кўрсатилган. Биз бу товарлар гуруҳларининг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Олий навли товарлар- бу барча кўрсаткичлари бўйича бошқа товарлардан устун турадиган товарлар ҳисобланади. Уларга кўп ҳолларда янги турдаги товарлар киради. Бундай товарларни ишлаб чиқарувчилар товарларга юқори нарх белгилаш ёрдамида ўз фойдасини ва бозордаги улушини ошириши мумкин.

Рақобатбардош товар - олий навли товарга мос келади ва бошқа товарларга нисбатан бозорда ўртача даражага эга бўлади. Одатда, рақобатбардошлик қуйидаги омиллар ҳисобига эришилади. Уларга рекламалар орқали мақсадли маркетинг тадбирлари олиб бориш, сотишни рағбатлантириш, баҳони шакллантириш, сотишдан кейинги хизматларни жорий этиш ва ҳоказолар киради.

Сифати пасайтирилган даражадаги товарлар - бу бошқа рақиб товарларига нисбатан бир неча салбий истеъмол хусусиятларига эга бўлган товарлардир. Бу ерда ишлаб чиқарувчи нархни пасайтириш стратегиясидан фойдаланиши мумкин.

Паст сифат даражасидаги товарларга рақобатбардош ҳисобланмайдиган, ўз истеъмолчиларини топа олмайдиган, кўп ҳолатларда паст нархларда сотиладиган товарларга айтилади. Бу ҳолатда ишлаб чиқарувчи товарсифатини яхшилаши ёки бу товарни ишлаб чиқаришдан воз кечиб, янги товар турини ишлаб чиқаришга ўтиши мумкин.

Товарнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг товаридан устунлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқарилган товар сифати унинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Қолган омилларга товар баҳоси, уни истеъмол қилиш соҳасидаги харажатлар(эксплуатация), хизмат қилиш муддатининг меъёри(қўлланилиш) ва маҳсулот сервисининг сифати киради.

Рақобатбардошликнинг бир мунча муҳим омилларидан ҳисобланган нарх омили рақобатбардошликни баҳолашда қўлланилиб, товарнинг эксплуатация муддати давомида истеъмолчининг тўлиқ харид сарф-харажатлари (истеъмолчи нархлари) ва товарни эксплуатация қилиш бўйича ва уни фойдаланиш ҳамда сотиш шароитидаги товарнинг хусусиятини аниқлайди.

Рақобатбардошликнинг иккинчи муҳим омилига нархсиз омилни киритиш мумкин. Уларни баҳолаш ва таққослаш анча мураккаб ҳисобланади. Уларни баҳолашда кенг тарқалган ёндашув – бу истеъмолнинг фойдали самарасини аниқлаш усули ҳисобланади. Ҳар бир товарнинг фойдали самараси сифат параметрлари орқали тавсифланади ва бу сифат омилини (сифат омилига истеъмолчи нуқтаи назаридан) кенг тушуниш ҳисобланади. Шунинг учун истеъмол қилишнинг ўзига хослиги йиғиндисининг фойдаланиш даражаси нуқтаи назаридан «сифат» ва «фойдали самара» тушунчаларини фарқлаш лозим бўлади. Сифат-товарнинг потенциал қобилияти конкрет талабни қондирса, фойдали самара-ҳақиқатда товарнинг аниқ талабини қондириш қобилятидир. Фойда самарасининг ҳақиқатдаги аҳамияти 40-70%ни ташкил этади, унинг потенциал ўзига хослиги, яъни истеъмол қилиш нуқтаи назаридан ўзига хослиги эса 40-70%га атрофида фойдаланилади. Амалиётда 100% истеъмол қилишнинг ўзига хослигига эришиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай ҳолатда товарларни ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши содир бўлади.

Фойдали самара ўз навбатида рақобатбардошликнинг асосий омили сифатида иккита асосий турга бўлинади: моддий ва номоддий омиллар.

Моддий омиллар – товарнинг муҳим функцияларининг унинг хусусиятларини ўзгартиришларини белгилайди, уларни алмаштириш эса аниқ нисбатан «қаттиқ» товарнинг белгиланган конструктив принциплари доирасида амалга оширилади.

Бу омиллар гуруҳига қуйидагилар киради: белгилаш кўрсаткичлари; эргономик кўрсаткичлар; экологик кўрсаткичлар; ишончлилик кўрсаткичлари.

Моддий омилларни баҳолашда асосий ёндашиш бўлиб, истемолчи учун у ёки бу омилнинг муҳимлигини аниқлашга миқдорий ёндашув ва ушбу параметрнинг товарда ва рақобатчи товарида мавжудлигини таққосий баҳолаш хизмат қилади. Ҳисоб-китоб омили муҳимлигининг таҳлили учун аҳамиятлилик коэффицентларини жойлаштириш усули бўйича ва ушбу параметрнинг товардаги мавжудлиги муносабатлари шкаласи бўйича миқдорий таққослаш усули билан амалга оширилади

Агар бозор турли-туман товарлар, шунингдек ўхшаш моддий омиллар билан тўлдирилган бўлса, товарларга алоҳида ўзига хосликни шакллантирувчи номоддий омиллар аҳамияти ҳам ошади. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолат фақатгина оммавий эҳтиёж товарлари бозоридагина эмас, балки ишлаб чиқариш аҳимиятига эга товарлар бозорида ҳам кўзга ташланади. Товарнинг номоддий омилларни аниқлаш-унинг рақобатбардошлиги таҳлилининг бошланғич нуқтасидир. Бу омилларни кейинчалик туркумлаш ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш зарур. Бу у ёки бу бирликларда ифодаланган (кувват, ўлчам, аниқлик ва ҳ.к.) аниқ аҳамиятга эга моддий омиллар учун амалга оширишда осон ҳисобланади. Номоддий омиллар билан аниқлаш эса мураккаброк, чунки улар одатда, табиий, физик ўлчамга эга бўлмай бевосита миқдорий баҳога қийин бўйсунадилар ва шунинг учун ягона методологик базани танлашни талаб этади.

Номоддий омилларни ўлчашда математик моделлардан фойдаланиш номоддий омилларни ўлчашнинг мутлақ баҳосини эмас, балки нисбий баҳосини ишлатишда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу қуйидагиларга боғлиқ бўлади, яъни истемолчи учун товарнинг номоддий омилларининг фойдалилик самарасини рақобатчи-товарнинг худди шундай номоддий омили билан таққосламасдан баҳолаш жуда қийин ҳисобланади. Бундай

чегаралаш олинаётган натижага таъсир кўрсатмайди, балки товарнинг умумий рақобатбардошлигининг ҳисоблаш тузилмасини ўзгартиради.

Товар нархи кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардошликни баҳолашда намунанинг ва таҳлил қилинаётган товарнинг нархсиз параметрларининг бир мунча яқинлик омили, шунингдек бозордаги товарлар-намуналарнинг параметлари муҳим аҳамият касб этади ва уларнинг ўзгариш анъаналари ишончли ахборот билан тасдиқланиши лозим. Намуна сифатида майдонга чиқувчи товар моҳияти жиҳатдан рақобатчидир, шунга кўра кўрилаётган товар бозорининг у ёки бу қисмини эгаллайди. Шунинг учун намуна намоёндалиги, биринчидан, мавжуд рақобатбардошликда таъминотчи қандай ҳажмдаги сотувга ишониши ва иккинчидан, агарда рақобатбардошлик ошса ёки камайса бу ҳажм қандай ўзгаришини кўзда тутди. Сотув ҳажми муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун, яъни маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг моддий йўқотишларидан қочиш учун намуна бўйича ахборот максимал даражада аниқ бўлиши керак. Агарда бозорда кам миқдорда сотилаётган товар намуна сифатида олинса, у аввал бошданок ўз маҳсулотининг йирик ҳажмда сотилишга ишона олмайди.

Маълумки, товарнинг рақобатбардошлиги ундан фойдаланишнинг бутун даври мобайнидаги доимий катталиги ҳисобланмайди. Илмий техник тараққиётнинг юксалиши натижасида бозордаги талаб структурасинининг ўзгариши билан кам харажатлар билан юқорироқ самарани таъминловчи бир хил турдаги маҳсулотлар пайдо бўлади. Корхоналар аввалдан мавжуд маҳсулот намуналарини такомиллаштириш ва уларга техник хизматни ташкил қилиш устида ишлайдилар. Эксплуатация бўйича харажатларни қисқартириш ва унинг самарадорлигини оширишга имкон берувчи янги хизматларни харидорларга тақдим этади. Шунинг учун рақобатбардошлик динамикаси таҳлили учун кўрилаётган йилдаги маҳсулот рақобатбардошлик

кўрсаткичининг базавий давр кўрсаткичига муносабатини ўзида акс эттирган индексни қўллаш зарурдир.

Шунга кўра маҳсулотнинг яратилиш босқичидаёқ келажак рақобатбардошлигининг зарурий даражасини аниқлаш масаласи туғилади. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги режалаштириш даври ҳамда уни бозорда қанчалик узоқ сотиш кўзда тутилган бўлса, бошланғич рақобатбардошлик шунчалик юқори бўлиши ва шунга мувофиқ баҳолаш базасида танланган наъмуна мукамал ва истикболли бўлиши лозим. Шунинг учун маҳсулотни ишлаб чиқариш даврида техник топшириққа келажакда ишончли сотувни, янгиликлар эскиришининг секинлашувини таъминловчи шундай тахминий кўрсаткичлар ва техник мукамалликни киритиш муҳимдир.

Товарнинг тез эскиришига асосий сабаб-бу илмий техник тараққиёт таъсирида унинг ҳаётий даврининг қисқариши, яъни ҳаётийлик даврини ҳисобга олиш принципиал янги товарларни ишлаб чиқаришда жуда муҳим бўлиб, товарнинг динамик рақобатбардошлигини баҳолашга имкон беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, товарлар рақобатбардошлигини таъминлашга товарнинг нисбатан паст нархи ва юқори сифатини таъминлаган ҳолда барча ресурслардан самарали фойдаланишни уйғунлаштириш асосида эришилади. Шунингдек, товарлар рақобатбардошлигини таъминлашда бир қатор ташқи ва ички омиллар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ташқи омилларга институционал ўзгаришлар, яъни, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий, ички ва ташқи бозорлар конъюнктураси ва ундаги рақобат муҳити, ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ва усуллари, маҳсулотга бўлган талаб ва таклифнинг шаклланиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларида харажатларнинг шаклланиши кабилар киради. Ички омиллар эса нарх, сифат, кафолатли сервис хизматлари кўрсатиш ва бошқалардан иборат. Шу ўринда маҳсулот истеъмол қиймати унинг миқдори ва сифати билан шартланадиган мураккаб функция ҳисобланади.


Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, товарнинг истеъмол қиймати – бу товарнинг мазмуни, моҳияти, товарнинг қиймати эса- бу товарнинг шакли. Шунингдек, товар ва унинг истеъмол қиймати тушунчасига бу нуктаи назаридан нафақат товарнинг турли табиий хусусиятларининг ва товар томонидан уни ишлаб чиқариш, ташиш ва сақлаш жараёнида қўлга киритиладиган хусусиятларининг йиғиндисини, балки биринчи галда сотиш ва истеъмол қилиш жараёнида эришиладиган хусусиятларни ҳам киритиш лозим.

Шу нуктаи назардан, товар рақобатбардошлигининг асоси ҳисобланган истеъмол қийматлари товарнинг турли табиий хусусиятларининг, шунингдек товар томонидан такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш жараёнида эришиладиган хусусиятларнинг йиғиндиси билан шартланган.

Товарнинг рақобатбардошлигини ишлаб чиқарувчи томонидан бошқариш нафақат товарга у ёки бу истеъмол хусусиятларининг берилишини, шунингдек, у ёки бу нарх стратегиясидан фойдаланишни, балки истеъмол бозорининг бу соҳасида қабул қилинган қарорни амалга ошириш кўзда тутилаётган сегменти даромадларини ҳам ҳисобга олишни англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рақобатбардошлик ўзида товар сифатининг умумий кўрсаткичларини ва унинг нархининг ўзаро боғлиқлигини намоён этади. Товар рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг қиймати ташқи ва ички омиллар таъсирига боғлиқ. Ташқи омиллар товар нархига, ички омиллар эса товар сифатига таъсир кўрсатади. Жумладан рақобатбардошликни белгилаб берувчи иқтисодий муҳит омилларининг товарнинг нархи ва сифатига таъсири 3-чизмада келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотлар рақобатбардошлигини баҳолаш ва уни оширишда бевосита маҳсулотнинг сифати ва нархи билан бир қаторда унинг истеъмол қийматини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуктаи назардан, маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳсулот истеъмол қийматини таъминлаш устуворлигини

ошириш маҳсулот учун хом ашёни етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда рақобатбардош экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.



3-расм. Рақобатбардошлик тизимида товар истеъмол қийматининг таркиби

3-расмдан кўриниб турибдики, рақобатбардошлик тизимида товар истеъмол қийматининг таркибига назар ташлайдиган бўлсак, унда бешта хусусият алоҳида аҳамият касб этади.


Бунда табиий ҳолатига асосланган товар хусусияти: оргонолептик, физик-кимёвий, биологик, экологик жиҳатларини камраб олади.

Қайта ишлаш жараёнида олинган товархусусияти эса оргоналептик, физик-кимёвий, биологик хусусиятлар билан бир қаторда кадоқлаш ва дизайн каби хусусиятларни ҳам кўзда тутати.

Тақсимлаш жараёнида юзага келадиган товар хусусияти товар ҳажмини жамлаш, ташиш ва сақлаш билан боғлиқдир.

Сотиш жараёнида юзага келадиган товар хусусияти сотишдан олдинги хизматлар, савдони рағбатлантириш усуллари ва реклама кабиларда намоён бўлади.

Истеъмол жараёнида юзага келадиган товар хусусияти жами истеъмолни қондириш, товар камчиликларини аниқлаш ва истеъмолни янги жиҳатларини шакллантириш билан изоҳланади.



4-расм. Товар рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллар

4-расмдан кўриниб турибдики, товар рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллар иккига бўлинади, яъни товар сифати ва товар нархи. Товар сифатини аниқлашда ташкилий ва ишлаб чиқариш тизимининг оқилона таркиби, тизим амалга ошишини асослаш, ходимлар тизими рақобатбардошлиги, ахборот технологияларнинг ривожланганлиги, бошқарув тизимининг илмий даражаси, янги товар яратиш ва товар таркибини яхшилашга инновациялар, технологик жараёнлар ва ускуналарнинг янгиланишини ҳисобга олиш лозим бўлса, товар нархи мамлакатнинг рақобатбардошлик даражаси, тармоқ рақобатбардошлиги даражаси, ҳудуд рақобатбардошлиги даражаси, талабнинг сотиб олиш қобилияти даражаси, рақобатчилар ўртасидаги рақобат кучи, жамоат, ташкилотлар, истеъмолчилар жамияти, ахборот тарқатиш ташкилотлари билан алоқаларнинг ривожланганлиги, маҳсулотга бўлган янги истеъмолни топиш, турдош товарлар ўртасида рақобатни кучайтириш, бутловчи қисмлар, материаллар, хом-ашё етказиб берувчилар ўртасида рақобатни кучайтириш. маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона рақобатбардошлиги, маҳсулот истеъмолчилари ва воситачиларни тартибга солиш, меҳнат ва

ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси кабиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим бўлади.

1.2. Товарлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамияти

Товарлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамиятини аниқлашда рақобат тўғрисида маълумотга эга бўлиш муҳимдир.

Рақобат ўзининг мазмун моҳиятига кўра, яшаш учун кураш жараёнидир. Рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.⁴

Рақобат ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Унинг ижобий жиҳати, энг аввало, истеъмолчи учун, сўнгра жамият, давлат ва корхона учун ҳам мавжуд. Буларнинг батафсил тафсилоти қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Рақобатнинг ижобий томонлари

Рақобатнинг ижобий томонлари (РИТ)		Энг аввало, истеъмолчи учун: товар (иш, хизмат)ларнинг сифати ошади, баҳоси пасаяди
		Жамият учун: ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, истеъмол бозори товарга (иш, хизматга) тўйиниб боради. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун одилона тақсимотга эришилади

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда) Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 ноябрда қабул қилинган

	→	Давлат учун: барқарор ва самарали иқтисодиёт давлат бюджетини ҳам барқарор равишда солиқ ва бошқа тушумлар орқали тўлдириб боради
		Корхона учун: рақобатбардошликни таъминлаш учун қўрилган чора-табирлар звазига ишнинг самарадорлиги ошади

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, истеъмолчи учун товарларнинг сифати ошади, баҳоси пасаяди, жамият учун эса мамлакат иқтисодий салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун одилонга тақсимотга эришилади, давлат учун барқарор равишда солиқ ва бошқа тушумлар орқали унинг бюджети тўлдириб борилади, корхона учун эса рақобатбардошликни таъминлаш учун қўрилган чора-табирлар звазига ишнинг самарадорлиги ошади.

2-жадвал

Рақобатнинг салбий томонлари

Рақобатнинг салбий томонлари (РСТ)	→	Истеъмолчига: кўп корхоналар синиб кетса товар (иш, хизмат)лар баҳоси ошади
		Аҳолига: корхоналарнинг синиши ишсизлар сонини кўпайтиради
		Корхоналарга: ишлаб чиқарилган товарининг баҳосини пасайтиришга мажбур бўлади, сотишдан келадиган тушум унинг харажатларини қопламасдан қолади
		Давлатга: солиқ тушумлари камаяди
		Жамиятга: маълум муддатда бозорда товар массаси камаяди

Бирок, 2-жадвалда рақобатнинг салбий жиҳати ҳам бевосита истеъмолчига, аҳолига, корхона, давлат ва жамиятга дахлдордирлиги кўрсатилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, салбий жиҳатлар товарлар баҳосининг ошиб кетишига, ишсизлар сонининг кўпайишига, корхоналар учун маҳсулотларни сотишдан келадиган тушум камайишига, бюджетга солиқ тушумлари камайишига олиб келади.

Рақобатнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш асосида биз шуни таъкидлашимиз мумкин, агар $RIT > RCT$ бўлса, бу ҳолат, умуман олганда жамият учун катта манфаат (наф) келтиради. RIT га ҳамма интилади, RCT га эса ҳамма мажбур бўлади.

Тадбиркорлик рақобат муҳитининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келадиган таркиб ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Бозор қатнашчиларининг сони эса рақобат кураши интенсивлигини белгилаб беради. Айтилиши мумкин, рақобат шароитида бирор бир мулк шакли бозорда устувор ўринга эга бўлмайди. Иқтисодий мужассамлашув ва рақобат муҳити ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд бўлиб, мужассамлашув даражасининг пасайиши бозор қатнашчилари сонининг ўсишига ва рақобат курашининг интенсивлашувига олиб келади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, товар харид қилиш тўғрисида истеъмолчи томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ рақобатнинг қуйидаги шакллари ажратиш мумкин:

- хоҳиш-рақобат. Бу рақобатнинг моҳияти шундан иборатки, истеъмолчи томонидан пул маблағларини сарфлашнинг кўплаб муқобил усуллари мавжуд;

- функционал рақобат - айтилиши мумкин, бир эҳтиёжни турли хил усуллар билан қондириш мумкин;

- фирмалараро рақобат ёки эҳтиёжларни қондиришнинг ҳукумрон ва энг самарали усуллари ўртасидаги рақобат;

- товарлараро рақобат. Бу рақобат турининг мақсади истеъмол танлови имитациясини шакллантиришдан иборат.

Товарлар рақобатбардошлигини мамлакат иқтисодиётдаги аҳамияти шундаки, у мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- ❖ мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;
- ❖ миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Айрим мутахассислар рақобатдошликнинг охирги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда бу таснифга ходимларнинг рақобатдошлигини ҳам қўшадилар.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади. Сифати ва нархи бўйича жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга катта миқдордаги инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш орқалигина эришилади.

Фирмаларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;

2)макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати⁵.

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади:

- ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги,ҳажми ва сифати);

- ташқи рақобат;

- талаб;

- тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган.Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М. Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши таминлангангагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди.

⁵ Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари:назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси:Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006,14-б.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат.

Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.



5-расм. Мамлакатнинг рақобат жиҳатдан усунлигини ташкил этувчи унсурлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби)⁶.

3. Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини

⁶ Ислом Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади “ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, Тошкент-2012

мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга қўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака

даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир канча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

ИМД (Лозаннадаги Менежментни ривожлантиш институти) томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатдошлилиги миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислох этиш рақобатдош бизнес юзага келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатдошликни таъминлаб туриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш борасида қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда бу борадаги чора-тадбирлар кўламини узлуксиз тарзда кенгайтириш зарур эканини қайд этишимиз зарур.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал

жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.



6-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида

иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар⁷

⁷ Ислон Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, Тошкент-2012

Энди Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товарлар рақобатбардошлигини оширишда тутган ўрнини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

II боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг товарлар рақобатбардошлигини оширишда тутган ўрни

2.1 Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тутган ўрни таҳлили

Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг республикаимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда.

Ушбу ҳолатни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2012 йилларда рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда)⁸

	1.01.2011	1.01.2012	1.01.2013
Ўзбекистон Республикаси	231717	246441	248580
Қорақалпоғистон Республикаси	10172	11395	11733
вилоятлар:			
Андижон	19281	21225	22204
Бухоро	14008	14038	13262
Жиззах	6728	7723	7899
Қашқадарё	44439	48618	48896
Навоий	6179	6617	6776
Наманган	13225	14469	14835
Самарқанд	14865	14890	13613
Сурхондарё	11457	11790	11810

⁸ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Сирдарё	6074	6450	6549
Тошкент	18210	20278	21461
Фарғона	19162	20301	20468
Хоразм	11781	11232	10501
Тошкент шаҳри	36136	37415	38573

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2011йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда 231717 та кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари рўйхатга олинган бўлса, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган корхоналар сони 248580 тага етди. Хоразм вилоятида эса 2011йил 11781 та корхона рўйхатга олинган бўлса, 2013 йил бошларига келиб рўйхатга олинган корхоналар сони 10501 тага тушиб қолди. Бунинг сабаби барча рўйхатдан ўтган корхоналар ўз иш фаолиятини барқарор олиб боролмайди ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара олмаганлиги ёки рақобат курашига дош бера олмаганлиги сабабли ўз фаолиятини тўхтатади. Фикримизнинг исботи сифатида 4-жадвал маълумотларига эътибор қаратамиз.

4-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2012 йилларда ўз фаолиятини тўхтатган кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда)⁹

	1.01.2011	1.01.2012	1.01.2013
Ўзбекистон Республикаси	23187	20432	19994
Қорақалпоғистон Республикаси	1518	997	1708
вилоятлар:			
Андижон	1430	726	830
Бухоро	3338	1765	1261

⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Жиззах	598	567	576
Қашқадарё	3143	1495	1794
Навоий	756	523	486
Наманган	832	803	904
Самарқанд	1634	2132	2134
Сурхондарё	1897	1292	914
Сирдарё	530	758	596
Тошкент	1011	990	1020
Фарғона	1477	1502	1716
Хоразм	840	1792	1513
Тошкент шаҳри	4183	5090	4542

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда 23187 та кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари ўз фаолиятини тўхтатган бўлса, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра ўз фаолиятини тўхтатган корхоналар сони 19994 тани ташкил этди. Хоразм вилоятида 2011 йил 840 та корхона ўз фаолиятини тўхтатган бўлса, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра бундай корхоналар сони 1513 тани ташкил этди.

Миллий ва ташқи бозорларга ўзининг рақобатбардош товарларини етказиб бераётган корхоналар ўз фаолиятини давом эттириб мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини яратишда фаол иштирок этмоқдалар.

2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Буни 5- жадвал маълумотларидан билиб олишимиз мумкин.

5-жадвал

Ўзбекистонда 2011-2012 йилларда амалда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) корхоналари сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда)¹⁰

	1.01.2012	1.01.2013	Ўзгариш (+, -)
Ўзбекистон Республикаси	218921	219406	+485
Қорақалпоғистон Республикаси	9784	10146	+362
вилоятлар:			
Андижон	19814	20687	+873
Бухоро	11899	10623	-1276
Жиззах	7153	6995	-158
Қашқадарё	44469	45015	+546
Навоий	6181	6236	+55
Наманган	11279	11793	+514
Самарқанд	13155	11766	-1389
Сурхондарё	9297	8453	-844
Сирдарё	5892	5732	-160
Тошкент	18141	19222	+1081
Фарғона	17679	18053	+374
Хоразм	9874	9847	-27
Тошкент шаҳри	34304	34838	+534


Маълумотларга эътибор қаратсак, ўтган бир йил ичида амалда ўз фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони Ўзбекистон бўйича 485 тага кўпайган. Бу кичик корхона ва микрофирмалар ўз маҳсулотларининг сифатига эътибор қаратганликлари ва нарх белгилаш сиёсатини тўғри ташкил этганликлари туфайли ҳам рақобатли бозорда ўз фаолиятларини юритиб келмоқдалар. Бироқ республикамизнинг барча ҳудудларида аҳволни бир хил деб бўлмади, чунки асосан, Тошкент

¹⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

вилояти, Қашқадарё, Тошкент шаҳри ва водий вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва қисман Навоий вилоятида амалда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг ўсиши кузатишган. Аксинча, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятларида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг қисқариши юз берган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишида, шунингдек аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

Дастлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини мамлакат миллий иқтисодиёти ривожланишида тутган ўрнини уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгаришини таҳлилидан бошлаймиз.




7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2008 йилда 48,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб, унинг улуши 54 фоизни ташкил

этган. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 0,6 фоиз бандга ўсиб, 54,6 фоизга етди.


Албатта сўнгги икки йил ичида иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши ўзгариши кузатилди.



8-расм. 2011-2012 йилларда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши

8- расмдаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби иқтисодиётнинг реал секторида кичик тадбиркорлик улушининг ортиши, савдо ва пуллик хизматлар соҳасида эса унинг улуши қисқариш кузатилди. Хусусан, саноатдаги улуш 2011 йилга нисбатан 1,2 фоизга ортиб, 22,2 фоизни, қурилишда 1,7 фоизга ортиб 70,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида эса 0,1 фоизга ортиб 98 фоизни ташкил этди. Шу даврда инвестициялардаги улуш 2,2 фоизга ортиди ва 35,2 фоизга етди. Савдо соҳасидаги улуш аксинча, 1,9 фоизга пасайди ва 45,3 фоизга тушди,

пулли хизматлар кўрсатишдаги улуш ҳам 1,8 фоизга пасайиб 44,7 фоиз даражасига тушди.



9-расм. 2008-2012 йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳоли бандлигидаги улуши

3-расмдаги маълумотлардан шунини кўриш мумкинки, охириги беш йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳоли бандлигини таъминлашдаги улуши ортиб бормокда. Агар 2008 йилда бу улуш 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрстак 75,7 фоизга етди. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда бу соҳага берилаётган алоҳида эътибор натижасидир.

Энди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ҳудудлари иқтисодиётида қандай ўрин тутганлигига назар ташласак.

6-жадвал

2011-2012 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши¹¹ (фоизда)

	2011 йил	2012 йил	Ўзгариш (+, -) фоизда
Ўзбекистон Республикаси	54,0	54,6	+0,6
Қорақалпоғистон Республикаси	66,0	66,4	+0,4
вилоятлар:			
Андижон	56,3	57,4	+1,1
Бухоро	65,7	65,7	-
Жиззах	79,8	79,9	+0,1
Қашқадарё	56,2	52,4	-3,8
Навоий	35,9	36,9	+1,0
Наманган	78,7	79,0	+0,3
Самарқанд	76,2	76,3	+0,1
Сурхондарё	73,8	74,2	+0,4
Сирдарё	79,8	80,0	+0,2
Тошкент	57,2	56,7	-0,5
Фарғона	61,2	61,8	+0,6
Хоразм	74,1	73,8	- 0,3
Тошкент шаҳри	53,1	53,6	+0,5


Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 0,6 фоизга ўсиши, асосан Андижон, Навоий вилоятларида бу соҳанинг ушбу вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишдаги улушини ортиши ҳисобига юз берган. Бу вилоятларда улуш 1 фоиз ўсган. Бироқ, Қашқадарё вилоятида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишдаги бу соҳанинг улуши 3,8 фоизга пасайган. Пасайиш тенденцияси Тошкент ва Хоразм вилоятларида ҳам кузатилган.

¹¹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини товарлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1623-сонли қарорига мувофиқ барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар рақобатбардошлигини ошириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шундай субъектлардан бири сифатида хорижий инвестиция иштирокидаги “Урганч - ёғ” очик акциядорлик жамияти қатнашади.

Мазкур жамият Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида ўз фаолиятини олиб боради. Корхона “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси таркибига киради. Корхонанинг устав жамғармаси миқдори 2513901,600 минг сўм бўлиб, корхона номинал қиймати 1800 сўм бўлган 1396, 612 минг дона акцияга эга.



- 1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси
- 2. Швейцария «FLOIL Ltd» компанияси
- 3. Меҳнат жамоаси
- 4. Бошқа инвесторлар

10-расм. Хорижий инвестиция иштирокидаги “Урганч - ёғ” очик акциядорлик жамиятининг устав жамғармаси улушлар бўйича тақсимланиши

10–расмдаги маълумотларга изох берадиган бўлсак, мазкур жамият устав жамғармасининг асосий улуши, яъни 51,67 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасига тегишлидир. Хорижий ҳамкор ҳисобланган Швейцария «ФЛОИЛ Лтд» компаниясининг улуши эса 32,38 фоизни, меҳнат жамоаси улуши 4,75 фоиз ва бошқа инвесторлар улуши 11,20 фоизни ташкил этади.

ХИИ "Урганч-ёғ" ОАЖ нинг фаолияти тозаланган пахта ёғи ҳамда бошқа озиқ-овқат ва ёғ-мой маҳсулотларини, ювиш воситалари, шу жумладан хўжалик совуни ва бошқа техникавий маҳсулотларни, озиқ-овқат, кондитер, нон, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини ҳамда бошқа истеъмол молларини қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш ва сотишдан иборат.

Албатта санаб ўтилган маҳсулотларнинг бари миллий иқтисодиётимиз, мамлакатимиз аҳолиси учун зарур бўлган эҳтиёж маҳсулотлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга интилиш доимо мавжуд. Шу ўринда мазкур жамиятнинг 2012 йилдаги бизнес режасида кўзда тутилган амалга оширилган ишларни таҳлил қилсак. Аввало мазкур бизнес режада қуйидагилар кўзда тутилган эди, яъни

- ишлаб чиқариш ва техника воситаларидан самарали ва оқилона фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига максимум даражада кўп даромад олиш;

- халқаро сифат менежмент тизими бўлган ИСО-9001-2009 стандартларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиб, ҳозирги бозор талабларига жавоб берадиган юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- ишлаб чиқаришга меҳнат, хом-ашё материалларини ва пул маблағларини тежаб сарфлаб, корхонани молиявий – иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

- давлат ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, корпоратив бошқаришни такомиллаштириб бориш.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагилар таҳлил қилинди.

- ишлаб чиқариш ва қувватлардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни хом-ашё ва материаллар билан таъминланиши;
- бозорни ўрганиш ва тайёр маҳсулотларни сотилиши;
- инвестиция дастурининг бажарилиши;
- жамият бошқарувини ташкил қилиниши ва уни такомиллаштириб борилиши;
- корхонанинг молиявий ҳолати.

7-жадвал

2010-2012 йилларда ХИИ “Урганч -ёғ” ОАЖнинг асосий кўрсаткичлари¹²

Кўрсаткичлар	1.01.2011	1.01.2012	1.01.2013
Мулкдаги давлат улуши, фоиз	51,2	51,67	59,85
Жами ишловчилар сони, киши	1030	1055	1158
шу жумладан:			
маъмурий бошқарув ходимлари	13	13	12
Асосий маҳсулот турларига таъминланган талаб, фоиз	100	100	100
Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, фоиз	34,02	56,12	54,1
Умумий сотилган маҳсулотдан экспорт қилинган жами, фоиз	0,2	2,5	2,4
шу жумладан.			
МДХ мамлакатларига, фоиз	-	-	-
Узоқ хориж мамлакатларига, фоиз			

¹² Жадвал ХИИ “Урганч -ёғ” ОАЖнинг маълумотлари асосида тузилган

	0,2	2,5	2,4
Хом ашё манбаи шу жумладан.			
фоиз			
маҳаллий	100	97,8	100
Четдан	-	2,2	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йил 1 январ ҳолатига мулкдаги давлат улуши 51,67 фоизгача кўтарилган бўлса, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига бу улуш 59,85 фоиз даражасига етди. Жамиятда жами ишловчилар сони доимий ўсиш тенденциясига эга бўлди ва 2011 йил 1 январ ҳолатига қараганда 2012 йил якунлари бўйича 128 кишига ортди. Бу асосан ишчилар сони ортиши ҳисобига юз берди, чунки бу даврда маъмурий бошқарув ходимлари сони 1 кишига қисқарди. Корхона маҳсулотлари рақобатбардош ва бирламчи эҳтиёжга мўлжалланган бўлганлиги учун ҳам талаб тўлиқ қондирилиб келинади. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 2011 йил бошига қараганда анча ошган бўлсада, бироқ аввалги йилга нисбатан пасайган. Умумий сотилган маҳсулотдан экспорт қилингани 2012 йил 1 январ ҳолатига 2,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 2,4 фоизга тушди. Бу маҳсулотлар узоқ ҳориж мамлакатларига экспорт қилинади. Фақат 2011 йилдагина корхона қисман импорт хом ашёдан фойдаланган, 2012 йилда эса тўлиқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига ўз иш фаолиятини юритди.

Жамиятда жами 54671,1 тонна хом-ашё, шундан 54310 тонна техник пахта чигити, 361,07 тонна кунгабоқар дони қайта ишланиб, ундан 10313,59 тонна рафинацияланмаган пахта ёғи, 126,95 тонна кунгабоқар ёғи, жами 10440,54 тонна рафинацияланмаган ёғ ишлаб чиқарилди. Рафинацияланмаган пахта ёғининг чиқиши 18,99 фоизни, кунгабоқар ёғининг чиқиши 35,16 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган рафинацияланмаган пахта ёғидан 9122,22 тонна рафинацияланган пахта ёғи ишлаб чиқарилиб, шундан 5853,77 тонна рафинацияланган пахта ёғи ҳидсизлантирилиб, 6390,21 тоннаси ПЭТ идишларга қадоқланди. Рафинацияланган пахта ёғининг чиқиши 88,95 фоизни ташкил қилди. Рафинациялашга берилган 87,95 тонна кунгабоқар ёғидан 78,7 тонна рафинацияланган кунгабоқар ёғи олинди, рафинацияланган кунгабоқар ёғининг чиқиши 89,48 фоизни ташкил қилди ва 3398 тонна олий навли ёғ ишлаб чиқарилди. Жамиятда йил давомида 3557 тонна 70 фоизлик хўжалик совуни, 26257,7 тонна пахта шроти, 183,3 тонна кунгабоқар шроти, 15021 тонна шелуха, 1537,8 тонна олеин-пальметин аралашмаси, 1681,2 тонна техник ва озуқавий саломас, 535,1 тонна гудрон ишлаб чиқарилди. 720 тонна хўжалик совуни экспорт қилинди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жамиятда 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 23688 тонна техник пахта чигити кўп олинганлиги сабабли, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4105,22 тонна рафинацияланган пахта ёғи, 11980,7 тонна шрот, 5968 тонна шелуха, 3340,21 тонна ПЭТ идишларга қадоқланган ёғ ва 1656 тонна хўжалик совуни кўп ишлаб чиқарилди.

Лойиха ишлаб чиқариш қувватларидан яъни, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш бўйича 34 фоизга, хўжалик совуни ишлаб чиқариш бўйича 36,5 фоизга ва ёғни қадоқлаш бўйича 87,4 фоизга фойдаланилди.

Булардан ташқари Республика ҳукуматининг озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш борасидаги қатор топшириқларига асосан жамиятда суткасига 160кг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш цехи ташкил қилинди. 54 млн. сўмга зарур технологик ускуналар сотиб олинди ўрнатилди. Янгидан 5 та ишчи ўрни очилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сонли қарорига асосан ёғ-мой корхоналарига 2011 йил 4 январдан бошлаб

аҳоли истеъмоли учун ишлаб чиқариладиган ёғлар фақат дезодорация (хидсизлантирилган) қилинган ва қадоқланган ҳолда ишлаб чиқарилишини кўзда тутган ҳолда, ёғ қадоқлаш цехига 2 комплект пластик идишлар тайёрлайдиган ускуналар 56 млн. сўмга харид қилиниб, ўрнатилиб ишга туширилди. Натижада вилоят аҳолиси учун ишлаб чиқариладиган истеъмол ёғи тўлиқ қадоқлашга эришилди. Эндиликда цехга ХХРдан суткасига 50 тонна ёғни пластик идишларга автоматик усулда қадоқлайдиган ускуналарни олиб келиш бўйича умумий қиймати 120 минг АҚШ долларига тенг бўлган контракт имзоланди, ускуналар етказиб берилди. Шунингдек ХХРдан 87500 АҚШ долларлик «Коровка» ирис конфети ишлаб чиқарадиган қандолатчилик ускуналарини ҳам келтириб ўрнатилди.

Корхона ёрдамчи хўжалигида ООО «Asia Bizness Universal» дан 2 минг бош она товук учун 11,1 млн сўмга ускуна сотиб олиб ўрнатилди. Бундан ташқари жамиятимиз 8000 бош товук боқишга мўлжалланган, қиймати 1004855 АҚШ долларига тенг бўлган комплекс ускуналар «Пятигорсксельмаш» МЧЖ (Россиядан) келтирилиб, ўрнатилиб ишга туширилди.

Шунингдек 4 та СК-8 русумли бензин насосларини Польша Республикасидан, қиймати 12080 евро ва Бельгия давлатининг «Армстронг» компаниясидан 70 дона конденсат қайтаргичларни қиймати 13280 еврога харид қилиш бўйича контрактлар имзоланиб, ускуналар олиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири томонидан 2011 йил 18 январда 03-34-6-сон билан тасдиқланган йиғилиш баёнига асосан ўсимликларни зараркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилиш бўйича биологическая лаборатория ташкил қилиш учун 64,8 млн сўмлик ускуна сотиб олинди ва бино ижарага олиниб 32 млн. сўмга капитал таъмирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12-июлдаги ПК-651-сонли қарори асосида жамият ҳудудида суткасига 35 тонна техник ва

озуқавий саломас ишлаб чиқарадиган гидрогенизация цехи қурилиб ишга туширилди. Гидрогенизация цехи учун технологик ускуналар Хиндистон давлатидан 3,5 миллиард сўмга, йиллик 15 фоизлик Миллий банк Урганч шаҳар бўлими кредити ҳисобига олиб келтирилди.

Янги қурилган цехда 1064,55 тонна техник ва 616,3 тонна озуқавий саломаслар ишлаб чиқарилди.

«Ёғ-мой ва озик-овкат саноати» уюшмасининг 2011 йил 20-январдаги №1-сонли кенгайтирилган мажлис баёнига асосан, жамиятда паррандачилик хўжалиги ташкил қилиниб, 10000 бош паррандага мўлжалланган паррандачилик хўжалиги тўлиқ ишга туширилиб маҳсулот олиниши бошланди.

Паррандачилик хўжалигида ҳозирда 5 киши фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилда жамиятда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш параметрларини бажарилишини таъминлаш учун ишлаб чиқаришга муносабатни тубдан ўзгартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, бозорни яхшилаб ўрганиб, арзон баҳоларда хом - ашё ва ёрдамчи материалларни сотиб олишни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришга халқаро стандарт ИСО- 9001-2009 сифат менежмент тизимини жорий қилиш, муҳандис - техник ходимлар, ишчиларни тайёрлаш ва ўқиш ишларини олиб бориш каби масалалар амалга оширилди.

Буларнинг натижасида 2011-2012 йилларда жамият молиявий фаолияти натижалари қуйидагича бўлди.

8-жадвал

2011-2012 йилларда ХИИ “Урганч -ёғ” ОАЖнинг молиявий фаолияти натижалари (минг сўм)¹³

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил

¹³ Жадвал ХИИ “Урганч -ёғ” ОАЖнинг маълумотлари асосида тузилган

	даромадлар (фойда)	харажат лар (зарарлар)	даромад лар (фойда)	харажат лар (зарарлар)
1	3	4	5	6
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	50390890	х	60561189	х
Сотилган маҳсулотларнинг таннарихи	х	35080720	х	38993617
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	15310170		21567572	
Давр харажатлари, жами шу жумладан:	х	11609584	х	15044796
Сотиш харажатлари	х	1656764	х	2145983
Маъмурий харажатлар	х	1020475	х	1682109
Бошқа операцион харажатлар	х	8932345	х	11216704
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	481692	х	539978	х
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	4182278		7062754	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами шу жумладан:	92762	х	354781	х
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	3638	х	18381	х
Фоизлар шаклидаги даромадлар	248	х	1030	х

Валюта курси фарқидан даромадлар	37464	х	224835	х
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	51412	х	110535	х
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (шу жумладан:	х	2022103	х	1133226
Фоизлар шаклидаги харажатлар	х	1668795	х	840608
Валюта курси фарқидан зарарлар	х	353306	х	292576
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	х	2	х	42
Умумхўжалик фаолитининг фойдаси (зарари)	2252937		6284309	
Даромаддан (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	2252937		6284309	
Даромад (фойда) солиғи	х	700822	х	1001308
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	х	123879	х	421170
Соф фойда (зарар)	1428236		4861831	

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, жамият 2011 йилда жамият маҳсулотларни сотишдан соф тушум 50390890 минг сўм бўлган, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 60561189 минг сўмни ташкил этган. Худди шу даврда сотилган маҳсулотларнинг таннархи мос равишда 35080720 минг сўм ва 38993617 минг сўмни ташкил этган. Маҳсулотларни сотишнинг

ялпи фойдаси 2011 йилда 15310170 минг сўм, 2012 йилда эса 21567572 минг сўмга етган. Жамият 2011 йилни 1428236 минг сўм соф фойда билан якунлаган бўлса, юқорида айтиб ўтилган тадбирларни самарали амалга оширилиши ҳисобига 2012 йилни 4861831 минг сўм соф фойда билан якунлади.


Энди 2013 йилда ва келгусида товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишларига эътибор қаратамиз.

III БОБ. Обод турмуш йилида товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишлари

3.1. Обод турмуш йилида товарлар рақобатбардошлигини ошириш йўллари

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш вазифаларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, қуйидагилар уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш белгиланди. Бу устувор вазифани бажариш кўп жиҳатдан товарлар рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1623-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2012-2016 йилларда, ҳисоб-китоблар бўйича, қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган.



11-расм. Ўзбекистон Республикаси саноатини 2015 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари¹⁴.

Президентимиз томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини таъминлашга тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархининг эса асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан,

- корхоналарда мавжуд асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоқли миқдори жисмонан ёки маънавий жиҳатдан эскиргани;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада экани;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилмагани;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Бу вазифалар билан боғлиқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг 2012 ва 2013 йил учун Инвестиция Дастурига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори.

турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1623-сонли қарори билан тасдиқланган дастурига киритилди.

Обод турмуш йилида товарлар рақобатбардошлигини ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада оширишдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги устувор йўналишлар белгиланди:

-республиканинг ҳар бир минтақасида саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларда минтақа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, минтақавий корхоналарни хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб этишни янада кенгайтириш; бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, фойдаланилмаётган бинолар ва хоналарни тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага бериш;

-янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига — 57,9 минг; кичик корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва ривожлантириш ҳисобига — 367,8 минг; якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига — 117,7 минг; касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш ҳисобига — 218,4 минг; фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига — 124,1 минг; ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига — 73,1 минг; иқтисодий ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига — 13,7 минг иш ўринлари яратиш йўли билан 972,7 минг кишининг бандлигини таъминлаш;

-хом ашёни чуқур қайта ишлаган ҳолда ва тўлиқ ишлаб чиқариш цикли билан замонавий вертикал-интеграцияланган тўқимачилик комплекслари фаолиятини ташкил этиш (8 та туманда);

-тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда намунавий лойиҳалар негизида тайёр тикувчилик-трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихчам замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш (45 та туманда) ҳисобига ишчи кучи кўп бўлган 53 та туманларда 13 мингта янги, юқори технологияли иш ўринлари ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга тижорат банкларининг 110,1 млрд сўм — оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига, 106 млрд сўм — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига, 53,5 млрд сўм — ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 15 минг нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига, умумий ҳолда 269,6 млрд сўм миқдорида кредитлар беришини кўпайтириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш;

- товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил этиш учун нулга тенг харид қиймати бўйича инвестициявий мажбуриятлар билан 47 та давлат мулки объекти; кўп қаватли уй-жойлар сифатида реконструкция қилиш ҳамда уй-жой фондининг камида 20 % ни етимлар, вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига тақдим этган ҳолда 47 та бўш ётган кўп қаватли давлат мулки объектларини тадбиркорлик субъектларига сотиш;

- янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 288 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш ва истеъмол озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу жумладан: сутни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 48 минг тоннага тенг 113 та лойиҳа; гўштни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 11,3 минг тонна бўлган 68 та лойиҳа; мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати

73,7 минг тонна бўлган 98 та лойиҳа; бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича — ишлаб чиқариш қуввати 2,3 минг тонна бўлган 9 та лойиҳа, минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харид қилишда кўмаклашиш орқали, шу жумладан янги ташкил этилаётган кичик корхоналарда мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш ҳажмларини 1,3 баравар (умумий ҳажмдаги улушни 13,7% дан 16,4% гача) кўпайтириш;

-корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали маҳаллий минитехнологиялар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг тегирмончилик, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қуруқ мевалар ва концентратлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш соҳаларида сотиб олинган замонавий минитехнологияларнинг умумий ҳажмида 25% га етказиш. Қуйидагилар орқали корпоратив харидлар тизимига жалб этилган кичик бизнес субъектлари сонини 1,3 баравар кўпайтириш: устав фондида давлат улуши бўлган 2086 та йирик корхоналарда корпоратив харидлар механизмини жорий этиш, харидларнинг умумий ҳажмида кичик бизнес улушини 25% га етказиш; саноат ярмаркалари ва кооперация биржасида имзоланган шартномаларга мувофиқ 850 та кичик ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларини сотиш.

Истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш.

Эскирган асбоб-ускуна ва технологилардан фойдаланилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга, меҳнат унумдорлигининг оширишга, маҳсулот бирлигига моддий ва меҳнат ресурслари сарфи миқдорини камайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобатдошлигини таъминлашга эришиш мумкин эмас.

Шунга кўра, уларни жаҳон миқёсида синовдан ўтган замонавий турлари билан алмаштириш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан молиялаштиришнинг аниқ манбалари кўрсатилгани ҳолда тармоқ жадвалларини бир ой ичида тузиш вазифаси Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасига юклатилди.

Мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганига эътибор қаратди.

Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 1 долларлик ЯИМга тўғри келадиган истеъмол қилинган энергия ресурслари ва хомашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичдан анча юқоридир.

Маълумки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёқилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлиги ортишига олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш масаласи айниқса енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш моллари каби истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларга тегишли эканига Президентимиз томонидан алоҳида урғу бериб ўтилди.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун Вазирлар Маҳкамаси олдида бир қатор масалаларни (6-расм) ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Авваламбор, саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайитириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархининг асоссиз ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.



6-расм. Иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар

Республикаимизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси мамлакатимизда мавжуд саноат хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш

орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етарли эмас.

9-жадвал

Асосий саноат озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт
килишнинг мақсадли прогноз параметрлари

Озиқ-овқат товарларининг номи	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й. минг тонна прогноз	2013 й. прогноз	2014 й. прогноз	2015й. прогноз	2015 й. 2011 й. га нисбатан фоизда
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш							
Мева-забзавот консерваси	миллион шартли банка	460,0	475,0	510,0	560,0	610,0	132,6
Мева шарбати	млн шартли банка	155,0	160,0	175,0	200,0	220,0	141,9
Томат паста	миллион шартли банка	30,0	30,5	31,5	33,0	35,0	116,7
Қуритилган мевалар	минг тонна	123,0	126,0	134,0	143,0	155,0	126,0
Колбаса маҳсулотлари	минг тонна	25,0	26,0	28,0	30,0	33,0	132,0
Гўшт консерваси	миллион шартли банка	2,2	2,5	3,0	3,6	4,4	2 марта
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонна	345,0	355,0	390,0	430,0	490,0	142,0
Пишлоқ, бринза билан бирга	минг тонна	3,0	3,3	3,7	4,2	5,0	166,7
Сариғ ёғ	минг тонна	4,2	4,5	5,0	5,6	6,5	154,8

Ўсимлик мойи	минг тонна	255,0	262,0	267,2	272,0	274,4	107,6
ш.ж. ноанъанавий экинлар мойи	минг тонна	17,0	19,0	21,0	25,0	30,0	176,5
Маргарин маҳсулотлари	минг тонна	18,0	19,0	20,0	21,0	23,0	127,8
Шакар	минг тонна	300,0	310,0	320,0	345,0	380,0	126,7
Кондитер маҳсулотлари	минг тонна	40,0	42,0	44,0	49,0	55,0	137,5
Пиво	млн дал.	27,0	28,0	29,0	30,0	32,0	118,5
Алкоголь ичимликлар	млн дал.	45,0	47,0	49,0	52,0	55,0	122,2
Тайёр маҳсулот экспорти							
Мева-сабзавот консерваси	минг тонна	6,7	7,2	7,8	8,3	8,9	132,8
Мева шарбати	минг тонна	25,5	26,5	28,1	31,0	33,0	129,4
Томат паста	минг тонна	4,3	4,8	5,5	6,4	7,4	172,1
Қуритилган мевалар	минг тонна	57,0	58,0	61,5	64,0	67,0	117,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633- сонли қарори.

Гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси ҳам қониқарли аҳволда эмас. Шу сабабли бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1633-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлашни кенгайтириш орқали саноат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Жумладан, 2011-2015 йиллар давомида мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 132,6 фоизга, мева шарбатлари ишлаб чиқариш 141,9 фоизга, пишлоқ ишлаб чиқариш (бринзани қўшиб ҳисоблаганда) 166,7 фоизга, томат пастаси ишлаб чиқариш эса 116,7 фоизга, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 127,8 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Шу даврда мева-сабзавот консервалари экспорти 132,8 фоизга, мева шарбатлари экспорти 129,4 фоизга, томат пастаси экспорти эса 172,4 фоизга ўсиши мўлжалланган қилинган. Бунга эришиш учун 2012-2015 йиллар давомида озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш мақсадларида қиймати 74,18 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилади. Бу лойиҳаларни молиялаштириш учун 36,5 миллион долларга тенг чет эл инвестициялари жалб этилади.

Шунингдек, 2012-2015 йиллар давомида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда қайта қуроллантириш ҳисобидан мева ва узумни қайта ишлаш бўйича 63100 тонна (2012 йилнинг ўзида 19750 тн.), гўштни қайта ишлаш бўйича 16500 тонна (2012 йилда 3650 тонна), сутни қайта ишлаш бўйича 45700 тонна (2012 йилда 10450 тонна) маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган қувватлар барпо қилинади.

3.2. Товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишлари

Юртимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарига, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ тарзда бир қатор имтиёзлар (масалан, фойда солиғининг пасайтирилган имтиёзли ставкаларини қўллаш, божхона божлари бўйича имтиёзлар) белгилаб берилан. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра, маҳсулот экспорт қилучи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доираси кенгайтирилди.

Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот қўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш каби чора–тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг халқаро савдо-саноат ярмаркаларидаги иштироки маҳсулот экспорт қилувчи уларга ўз маҳсулотларини реклама қилиш, харидор ва шериклар излаб топиш имкониятини кенгайтормоқда, реклама харажатларини тежаш имконини бермоқда.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, экспорт ярмаркаларини ўтказишни кенгайтириш, йирик экспортчи корхоналарни нуфузли халқаро ярмаркаларда иштирок этишга жалб этиш бўйича ҳам Ҳукумат қарори қабул қилинди.

2011 йилда “Экспорт тарибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийиб 46 фоизни ташкил этган эди”.¹⁵

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш вазифаси 2012 йилда ҳам экспорт ҳажмини ўстириш ва диверсификация қилиш бўйича ишларни давом эттиришни талаб этади. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амлга ошириш бунга замин яратади.

Товарлар рақобатбардошлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини кучайтириш йўналишларига келадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий

¹⁵ Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

кўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган.

Ушбу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади.

Шунингдек:

- узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

- хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш бўйича «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш

учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

2013 йилда ХИИ “Урганч -ёғ” ОАЖда иктисодий тежамкорликка эришиш, кам харажат билан юқори сифатли кўп маҳсулот ишлаб чиқариш чора - тадбирларини кўриш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

2013 йилда жамиятда амалдаги нархларда товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 69,2 млрд. сўмга етказиш учун 18802 тонна ўсимлик ёғи, 6000 тонна хўжалик совуни, 54384 тонна шрот, 29737 тонна шелуха ва бошқа тур маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб, тайёр маҳсулотларни сотишдан олинadиган соф тушумни 71,4 млрд.гача етказиш белгиланди. Натижада, 2013 йилда жамият ўз фаолиятини 4,8 млрд. сўм соф фойда олиш билан якунлайди ва рентабеллик даражаси 9,2 фоизни ташкил қилади.

ХИИ «Урганч-ёғ» ОАЖнинг 2013 йилдаги ишлаб чиқариш стратегияси – ишлаб чиқаришга халқаро стандарт ИСО 9001-2009 сифат менежмент тизимини тадбиқ қилиб – истеъмолчиларнинг талаби асосида юқори сифатли маўсулотлар билан таъминлаш, кадрларни тайёрлаб жой-жойига қуйиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, ички резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишланадиган хом - ашё ва материалларни тежаб ишлатиш сиёсатини олиб боришдан иборат.

Корхонада 2013 йилда жами 69,2 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархи 52,8 млрд. сўмни ташкил этади. Бунинг 57,5 фоизини хом ашё, 14,8 фоизини ёрдамчи материаллар, 8,5 фоизини энергия харажатлари, 5,5 фоизини меҳнат ҳақи харажатлари, 1,4 фоизини меҳнат ҳақидан ажратма, 3

фоизини ишлаб чиқариш асосий воситаларининг эскириши ва 9,3 фоизини бошқа цех харажатлари ташкил этади.

Жамиятда 2013 хўжалик йили ҳисобидан жами 111000 тонна хом-ашёни қайта ишлаш белгилаб олинди.

Шундан 105 минг тонна техник пахта чигити, 5 минг тонна соя дони ва 1000 тонна кунгабокар дони қайта ишланиб, ундан жами 21127 тонна рафинацияланмаган ёғ ишлаб чиқарилади. 6000 тонна 70 фоизли хўжалик совуни, 50084 тонна пахта шроти, 3800 тонна соя шроти ва 500 тонна кунгабокар шроти, 9000 тонна хидсизлантирилган ёғ, 9000 тонна ПЭТ идишларга кадокланган ёғ, 4170 тонна техник саломас, 1830 тонна озукавий саломас, 2680 тонна олеин-пальметин коришмаси, 29737 тонна шелуха, 2661 тонна «Ўзбекистон ёғи», 897 тонна гудрон, 100 тонна кондитер маҳсулотлари ва бошқа тур маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалаштирилди.

2013 йилда 700 тонна хўжалик совуни экспорт килиш режаси белгиланган. Корхонада ишлаб чиқарилган барча турдаги ўсимлик ёғи, шрот, шелуха, хўжалик совуни, озукавий ва техник саломаслар Ўзбекистон Республикасини товар хом-ашё биржаси орқали сотилади.

10-жадвал

ХИИ «Урганч-ёғ» ОАЖда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш борасида 2013 йилга мўлжалланган тадбирлар

Тадбирлар номи	Кутилаётган натижа
Тежашга эришиш	
-электр энергияси	1200 м.квт.соат.
-иссиклик энергияси	2200 Гкал
-сув	3000 м3
-газ	100 м3 233458 минг сўм
Ёғ чиқишига эришиш	63819 минг сўм
Рафинацияланмаган ёғнинг чиқишини 0,1 фоизга кўтариш	

Рафинацияланган _ёғни чиқишини 0,05 фоизга кўтариш	
Юқори олий навли ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга эришиш 5700 тонна	428458 минг сўм
Бутловчи материалларни қийматидан 0,01 фоиз тежашга эришиш	3820 минг сўм
Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мухандис техник ходимларни ўқитиш	750 киши
Жами тежаш (минг сўмда)	729555

ХИИ "Урганч-ёғ" ОАЖ нинг 2013 йилга мўлжалланган тадбирлари режасидан кўриниб турибдики, корхона 729555 минг сўмни тежаш орқали ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга эришиш режалаштирган.

Хулоса

Товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва бу борада ХИИ "Урганч-ёғ" ОАЖ фаолияти билан танишиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, рақобат курашида самарали фаолият юргизиш, унда муваффақият қозониш рақобат стратегиясининг қанчалик пухта, изчил, узоқни кўра оладиган режасини ишлаб чиқишга узвий боғлиқдир ва бу маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги унинг асосий характеристикаси, сифат даражаси, дизайни ва истеъмолчи эҳтиёжига мос келишидадир. Тадбиркорлар рақобатбардошликни баҳолаш орқали ўз тадбиркорлик фаолиятларининг кучли ва кучсиз томонларини баҳолаш имконига эга бўладилар.

Иккинчидан, рақобатбардош маҳсулот - олий навли маҳсулотга мос келади ва бошқа товарларга нисбатан бозорда ўртача даражага эга бўлади. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати унинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

Учинчидан, товарлар рақобатбардошлигини баҳолашда нарх омили кўлланилиб, маҳсулотнинг эксплуатация муддати давомида истеъмолчининг тўлиқ харид сарф-харажатлари (истеъмолчи нархлари) ва маҳсулотни эксплуатация қилиш бўйича ва уни фойдаланиш ҳамда сотиш шароитидаги маҳсулотнинг хусусиятини аниқлайди

Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароитида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун уни таҳлил қилиш йўллари яхши билиш, унинг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун эса, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ички ва ташқи бозорни

рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутади ва улар ўзларининг бизнес стратегияларини ривожлантиришда маркетинг функцияларидан фойдаланадилар.

Шу хулосаларга асосланиб, товарлар рақобатбардошлигини ошириш ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти сезиларли бўлишини таъминлашга эришиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этамиз.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш учун рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватловчи воситаларни кенгроқ қўллаш, уларга солиқ имтиёзларини ва кредит билан таъминлаш имтиёзларини кенгайтириб бориш йўли билан кенгроқ имкониятлар яратиш, қарор қабул қилишдаги эркинликларини кенгайтириш керак.

Маҳсулот нархини шакллантиришда маҳсулот таннархини пасайтириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни қўллаш, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материалларнинг сарф меъёрларини пасайтириш, технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш, инвестиция сиёсатини янги қурилишларга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта таъмирлашга, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлашга йўналтириш лозим.

Маҳсулот сифатини оширишга эътибор қаратиш ва бунда ички ҳамда ташқи бозордаги ҳолатни доимий таҳлил қилиб бориш орқали ички ва ташқи бозордаги истеъмолчиларнинг талабларини ўрганиш.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг самарали ишлашини таъминлаш, ҳар доим асосий эътиборни меҳнат ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга қаратиш зарур. Шунинг учун ҳам имкон қадар ишчи ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинса бу борада ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 6 январ 2012 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 3 май 2012 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2005 йил 20 июндаги ПФ -3620-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 ноябрдаги ПФ-4354-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товарлар (ишлар,хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари” 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сонли Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” ги 2012 йил 10 сентябрдаги ПФ–4470-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги “«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1717-сонли Қарори.

9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги “«Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида” ги ПҚ-1920-сонли Қарори.

10.Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Т.: «Ўзбекистон» 2011, 46 б.

11.Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” - Т.: «Ўзбекистон» 2012, 46 б.

12.Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: “Ўзбекистон” 2013, 46 б

13.Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2013 йил 19 январ.

Дарслик ва ўқув адабиётлари

14. Каримов Ф.ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. Т. Дарслик, 2011-335 б.

15. Болтабоев М., Қосимова М, Эргашходжаева Ш, Ғойибназаров Б, Самадов А, Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010 – 274 б.

16. Ходжаев Р.С., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. ТМИ. ”IQTISOD - MOLIYA”, 2008 - 178 б

17.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010-210 б

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2012- 282 б.

Илмий журналлардаги мақолалар:

19. Бегимов А. Хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини модернизациялаш стратегиясини ривожлантириш. // Бозор, Пул ва Кредит.-Тошкент, 2011 -№ 9-Б.51- 53.

20. Матназаров А. Истеъмол моллари сифати-асосий мезон // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-Тошкент 2006- №11-12-Б.102-103

21.Муродова Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2011. - №2- Б. 97-99.

22.Ўринбоев А. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга... // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси .-Тошкент 2006- №11-12-Б. 96.

23.Қурбонов Н. Барча ҳаракат рақобатбардошликка қаратилган. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси .-Тошкент 2006- №11-12-Б.112

24. Пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. .-Тошкент, 2011.-№1-Б. 6-15.

25. 2011 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, Пул ва Кредит.-Тошкент, 2012.-№1-Б. 10-24.

26. 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари // Бозор, Пул ва Кредит.-Тошкент, 2013.-№1-Б. 8-16.

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари

29. ХИИ"Урганч-ёғ" ОАЖнинг маълумотлари

Интернет сайтлари

www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат қонунчилиги)

www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти)

www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

www.tfi.uz (Тошкент молия институти)